

Қариндошлик алоқасини узиш ҳақида

08:13 / 02.06.2020 1962

Ассалому алайкум! Зино орқали, товламачилик йўли билан ҳалол ишламай кун кечирадиган, қариндошлар орасида ифво-туҳмат қилиб қариндошларни ажратадиган, маишатдан, ичкиликдан қайтмайдиган қариндошим бор. Бу йўлдан қайтаришга йиллар давомида ҳаракат қилдим. Афсуски гуноҳлардан қайтмади. Улар билан алоқани узсам гуноҳкор бўлмайманми?

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Гуноҳкор бўлмайсиз. Шариатимизда Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмон кўриш деган нарсалар бор. Зотидан нафратланманг, мабодо бирор гуноҳ иш қилса сизни шу ишингиз учун ёмон кўраман дейишингиз керак. Валлоҳу аълам!